



INFLUENCE OF SOVIET POLICY ON CULTURAL COMMUNICATION AND PROCESSES

Farkhod Abduvalievich Adilov

Professor

Tashkent State University of Economics

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ideology, mass literacy, international, Third World, national in form, socialist in content, old fashioned, Glavlit, Turkproletkult, Turkpolitprosvet, counter-revolutionary movement, feudal oppression, cultural-whitening, cultural communication.

Received: 12.06.26

Accepted: 13.06.26

Published: 14.06.26

Abstract: The ideological and political influence of the Soviet government on cultural relations in the 20th century is analyzed based on sources and their activities are scientifically analyzed. This article provides information about the situation in Uzbekistan and other Soviet republics during the Soviet era, as well as how ideological influence and control were exercised through cultural relations between peoples.

СОВЕТ СИЁСАТИНИНГ МАДАНИЙ АЛОҚА ВА ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Фарход Абдувалиевич Адиллов

Доцент

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мафкура, оммавий саводхонлик, интернационал, Учинчи дунё, шаклан миллий, мазмунан социалистик, эскилик сарқити, Главлит, Туркпролеткулт, Туркполитпросвет, аксил-инқилобий ҳаракат, феодал зулм, маданий-оқартув, маданий алоқа.

Аннотация: XX асрда совет ҳукуматининг маданий алоқадларга ўтказган мафкуравий ва сиёсий таъсири манбалар асосида таҳлил қилинган ва илмий жиҳатдан уларнинг фаолиятлари таҳлил этилган. Ушбу мақолада Совет ҳукумати ҳукумронлиги даврида Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикалардаги ҳолат, шунингдек халқлар ўртасидаги маданий алоқалар орқали мафкуравий таъсир ўтказиш ҳамда назоратларни қандай амалга оширилгани ҳақида маълумот берилган.

ВЛИЯНИЕ СОВЕТСКОЙ ПОЛИТИКИ НА КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ И ПРОЦЕССЫ

Фарход Абдувалиевич Адилов

Доцент

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: идеология, массовая грамотность, интернационализм, Третий мир, национальная по форме, социалистическая по содержанию, пережитки прошлого, Главлит, Туркпролеткульт, Туркполитпросвет, контрреволюционное движение, феодальный гнёт, культурно-просветительная деятельность, культурные связи.</p>	<p>Аннотация: На основе источников проанализировано идеологическое и политическое влияние советского правительства на культурные связи в XX веке, а также с научной точки зрения рассмотрена их деятельность. В данной статье представлена информация о положении в Узбекистане и других союзных республиках в период господства советской власти, а также о том, каким образом осуществлялось идеологическое воздействие и контроль через культурные связи между народами.</p>
---	--

Кириш. XX асрда Совет ҳукумати ҳукумронлиги даврида Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикаларда тасвирий санъат ва маданиятнинг ривожланишида интернационализм ғояси илгари сурилди. Бундан кўзланган мақсад халқларни бир-бирига яқинлаштириш ҳамда маданиятни ривожлантириш эмас, балки ҳукумрон мафкурага хизмат қиладиган маданиятни яратишдан иборат бўлган. Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, гўзал манзараси ижод аҳлини ўзига мафтун этиб келган. Ҳар қандай сиёсий таҳдид ва босимлар ижод ахлининг санъатига ҳалал бераолмаган. Шундай бўлсада кўплаб ижодкорлар тасвирий санъат ва бошқа соҳаларнинг ривожига катта хисса қўшишган.

Муҳокама ва натижалар. Совет даври (1917–1991 йиллар)даги Ўзбекистон ва бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикалари халқлари маданияти тарихида жуда мураккаб, зиддиятли ва икки ёқлама аҳамиятга эга бўлган даврни бошидан ўтказган. Бу даврда маданий алоқаларда ҳам юксалишни, ҳам оғир йўқотишларни бошдан кечирди.

Куйида совет даври маданиятининг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қиладиган бўлсак, жуда қизиқарли жараёнларнинг гувоҳи бўламиз. Оммавий саводхонлик ва таълим жараёнларидаги амалий ишлар сифатида Совет даврининг энг катта ижобий томони аҳоли ўртасидаги саводсизликни тугатишга қаратилган ҳаракатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Замонавий мактаблар, олий ўқув юртлари ва Фанлар академиялари ташкил этилиб бу илмий ва маданий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишига хизмат қилди. Профессинал санъат турларидан Ўрта Осиёга Европа

типидаги санъат турлари — опера, балет, симфоник мусиқа, замонавий тасвирий санъат ва кино кириб келди. Миллий анъаналар ва Европа санъат шакллари синтези натижасида янги асарлар яратилди (масалан, биринчи ўзбек опералари, профессионал театр спектакллари). Шунингдек давлат томонидан кўплаб кутубхоналар, музейлар, театрлар ва маданият саройлари қурилди. Бу аҳолининг маданий дам олиши ва санъат билан доимий алоқада бўлишини таъминлади. Халқаро маданий алоқаларда Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро кинофестиваллари марказига айланди. Бу Ўзбекистон маданиятини дунёга (айниқса "Учинчи дунё" мамлакатларига) танитишда муҳим рол ўйнади.

Иттифоқдош республикалар ўртасида мунтазам тажриба алмашиш, илмий тадқиқот ишлари, илмий конференциялар ўтказиш, талабалар алмашинуви ва адабиётларни таржима қилиш йўлга қўйилди.

Бу каби ижобий жиҳатлар билан бирга ўзига хос тўсиқлар ва йўқотишлар ҳам бўлди. Жумладан мафкуравий тазйиқ натижасида маданият “шаклан миллий, мазмунан социалистик” бўлиши шарт эди. Ҳар қандай ижод намунаси коммунистик партия ғояларига хизмат қилиши ва керагидан ортиқ бўртириб кўрсатилиши, жамиятга афсонавий турмуш ҳамда ҳаётни акс эттириши керак эди. Бу эса эркин ижод аҳли фаолияти ва ҳақиқий миллий маданий руҳиятни бўғиб қўйди. 1930-йилларда маданиятимизнинг энг ёрқин вакиллари (Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар) “миллатчилик”да айбланиб, қатағон қилинди. Бу миллий маданиятнинг табиий ривожланиш жараёнларини узиб қўйди.

Араб алифбосидан сўнг лотин, кейин кирилл алифбосига ўтилиши натижасида халқ ўзининг асрлар давомида яратилган бой қўлёзма меросидан, тарихидан ва диний илдизларидан узилиб қўйилди. Бу жараёнлар ўзбек адабиётининг асрлар давомида тўпланган классик меросидан (Навоий, Бобур, Фузулий ва б.) узиб қўйди. Эски алифбодаги китобларни сақлаш “эскилик сарқити” ёки “аксил-инкилобий ҳаракат” сифатида кўрилган.

Шунингдек кўплаб инсонларнинг саводсиз бўлиб қолишига сабаб бўлди. Маданий ҳаётда рус тилининг устуворлиги миллий тилнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Миллий тилдаги асарлар ҳам юқори баҳоланиши учун рус тилида бўлиши қатиян талаб этилган.

Ислом дини ва у билан боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган миллий анъаналар ҳамда қадриятлар “эскилик сарқити” сифатида таъқиб олинди. Кўплаб масжид ва мадрасалар, маданий обидалар бузиб ташланди ёки омборхоналарга айлантирилди.

Ўтмишдаги буюк алломалар тарих китобларида ноҳолис тасвирланиб уларнинг фаолияти кулги остига олиниб уларни саводсиз ҳамда асоссиз тадқиқотлар деб баҳолаганлар. Бу каби ҳаракатлар миллатнинг ўзлигини англашига тўсқинлик қилди.

Совет даврида адабиёт шунчаки санъат тури эмас, балки коммунистик мафкуранинг асосий қуроли ҳисобланган. Шу сабабли ёзувчи ва шоирлар ижоди қаттиқ назорат қилиниб, муайян чекловлар доирасида ушлаб турилган.

Адабиётдаги асосий чекловлар ва тазйиқларни қуйидагича таснифлаш мумкин. 1934 йилдан бошлаб Совет адабиётида социалистик реализм ягона расмий ижодий метод деб эълон қилинди. Унга кўра ёзувчи ҳаётни борлигича эмас, балки “инқилобий ривожланиш жараёнида” (яъни совет ҳукумати хоҳлагандек идеаллаштириб) тасвирлаши шарт эди. Асарларда “ижобий қаҳрамон” образи бўлиши, у албатта ишчи, деҳқон ёки коммунист бўлиши ва келажакка (коммунизмга) ишонч билан қараши лозим эди. Пессимизм (тушқунлик), инсоннинг ички изтироблари ва фожиавий яқунлар “совет воқелигига ёт” деб ҳисобланган ва тақиқланган. Ҳар бир ёзилган асар нашр этилишидан олдин махсус цензура органи — Главлит назоратидан ўтиши керак эди. Партия сиёсати, Ленин ва Сталин шахсига (кейинчалик бошқа раҳбарларга) заррача шубҳа уйғотадиган фикрлар кесиб ташланган. Давлат сирлари, совет армиясининг камчиликлари ёки ижтимоий муаммолар (очлик, қашшоқлик, адолатсизлик) ҳақида ёзиш қатъиян ман этилган. Совет ҳокимияти миллий руҳдаги адабиётдан жуда кўрққан. Туркий халқларнинг бирлиги ёки ислом динининг қадриятлари ҳақида ёзиш “миллатчилик” деб баҳоланиб, муаллифнинг қатағон қилинишига сабаб бўлган. Миллий тарихни (масалан, Амир Темур ёки бошқа хонликлар даврини) ижобий тасвирлаш тақиқланган. Тарих фақат “феодал зулм” ва “оқ подшо босқини” нуқтаи назаридан ёритилиши керак эди. Худосизлик (атеизм) давлат сиёсати бўлгани учун асарларда диний атамалар ишлатиш, Оллоҳга мурожаат қилиш ёки диний қадриятларни улуғлаш мутлақо тақиқланган. Диний уламолар фақат салбий, халқни алдаб юрувчи образда тасвирланиши шарт эди.

“Пролетар маданияти” (пролеткулт) ғоясини биринчи бўлиб пролетар маданиятининг лидери бўлган А. Богданов 1909-йилда ўртага ташлади. У ва унинг тарафдорлари бу ғояни Капри ва Болония шаҳарида тарғиб қилдилар. Унинг бу ҳаракатларини ўша вақтларда В. И. Ленин “марксизм билан алоқани узишни ифодалайдиган ва пролетариатни буржуа идеологиясига ва сиёсатига бўйсундиришни ифодалайдиган” [1]” механизм деб баҳолади.

1918-йилнинг кузида В. И. Ленин Пролеткултнинг[2] биринчи бутунроссия конференциясига хат ёзиб, пролеткулт олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

1920-йил 2–10-октабрда бўлиб ўтган комсомолнинг III съездида “Пролетар маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан эмас, пролетар маданияти бобида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарса эмас. Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помесчиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим захираларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмоғи лозим”, деб ёзган[3]. Бу каби қарашлар болшевиклар ҳукмронлиги ўрнатилган вақтдан бошлаб янги совет маданиятининг назарий асоси бўлди. КПСС съездларида бу масалалар алоҳида кўринди[4]. 1919-йилдан бошлаб Пролеткултнинг театр, кино, мусиқа, тасвирий санъат ва адабиёт каби студиялари ўз ишини бошлади. Петроград, Тамбов, Смоленск, Самара ва Одесса каби бир қатор шаҳарларда ўн бешдан ортиқ журналларни нашр эта бошлади. 1919-йилда Тошкентда ҳам ўлка партия комитети маданий-оқартув бўлими томонидан “пролетар маданияти масалаларини ҳал қилиш ва меҳнаткашларнинг маданий талабларини қондириш мақсадида” “Туркистон пролетар маданияти” номли журнал нашр этиш мўлжалланди, лекин қоғоз етишмаслиги муносабати билан бу режа амалга ошмади[5].

1921-йил май ойи охирларида ишчи клубларнинг фаол аъзолари иштирокида йиғилиш бўлиб, Туркистонда Пролеткулт ташкилотлари тузиш зарурати ҳақида масала кўриб чиқилди. Йиғилишда Туркистонда унчалик кўп бўлмаган завод-фабрикалар ўз пролетариатига эгаллиги, бир қатор пролетар маданий-оқартув ва ижодий ташкилотларни “ғоявий ва моддий” ёрдам олиши учун Туркпролеткулт ташкил этиш, пролеткулт – ижодий ишларни, Туркполитпросвет[6] – маданий-оқартув ишларни бажариши белгиланди. Йиғилиш қарорида “пролекултлар миллий белгиларга қараб эмас, балки синфий белгиларга қараб ташкил қилинади ва иш олиб борилади. Шунга кўра, Туркистондаги пролетариат европалик ва маҳаллий пролетариатни бирлаштириши, рус ва маҳаллий тилда иш олиб бориши керак” [7], деб белгиланди. Натижада, янги социалистик маданиятни шакллантириш йўлида “фақат болшевикларгина ўтмиш ва маданий анъаналарнинг ҳақиқий меросхўрлари ва давомчиси сифатида кўрди” [8]. Аслида Туркпролеткулт ташкил этилгунга қадар ўлкада маданий-оқартув ишларини Туркполитпросвет олиб борган бўлиб, у оммани маданий-ижодий фаолиятга тортишга ҳаракат қилди.

Хулоса қилиб айтганда, совет даври адабиёти қаттиқ қолипга солинган эди. Ёзувчилар ё партия чизиғига бўйсунуши, ё “сукут сақлаши”, ёки таъқиб ва ўлимга рози бўлиши керак эди. Шунга қарамай, кўплаб ижодкорлар рамзлар ва мажозий тил (масалан, “Эзоп тили”) орқали миллий ғояларни халққа етказишга ҳаракат қилишган. Совет даври

маданияти - бу замонавийлик ва мустамлакачилик ўртасидаги кураш давридир. Бир томондан, халқ илм-фан ва замонавий санъат ютуқлари билан танишди, иккинчи томондан, ўз миллий-диний илдизларидан узоқлаштирилди. Бугунги мустақил Ўзбекистон маданияти ўша даврда шаклланган профессионал мактабларни сақлаб қолган ҳолда, совет мафкураси туфайли йўқотилган миллий кадриятларни тиклаш йўлидан бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ленин В. Асарлар. 16-жилд. – Б. 289.
2. Proletkult (qisqa. proletar madaniy-ma'rifiy tashkilotlari) – 1917-yildan 1932-yilgacha mavjud bo'lgan Xalq ta'limi komissarligi huzuridagi proletar havaskorlik faoliyatining ommaviy madaniy, ma'rifiy, adabiy va badiiy tashkiloti.
3. Ленин В. Асарлар. 31-жилд. – Б. 294.
4. Резолюция ЦК РКП(б) О Пролеткультах. / КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Том второй. 1917–1922. – Москва: Политиздат, 1983. – С. 313–315.
5. Литературные журналы Советского Туркестана // Звезда Востока. 1971. – №4. – С. 175..
6. Turkpolitprosvet – siyosiy ta'lim bilan shug'ullanadigan Sovet muassasalari va organlarining nomi (1920–1930).
7. Исмоилов Ф. Тарихий алоқадорлик ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1971. – Б. 71.
8. Качуринер М. Большевизм и культура // Коммунистическая мысль. 1920. – №1. – С. 26.